

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий

ходими Г.Валиева

Пичоқчилик ўтмишда қуролсозликнинг энг кенг тарқалган соҳаси бўлиб, кўплаб омиллар туфайли алоҳида касб-хунар сифатида ажралиб турган. Пичоқчилик ривожини билан ўзига хос атамалар ҳам юзага келган.

Пичоқлар хом-ашёсига кўра “дамашкий” (Дамашқ пўлатидан), “исфахоний” (Исфахон пўлатидан), “фаранги” (Европа пўлатидан), “ўрусий” (рус пўлатидан), “туркона” (маҳаллий пўлатдан) каби турларга бўлинади; тузилиши ва тиғига кўра “яккадам” (бир томони тиғ), “дудам” (икки томони тиғ), “кўшпичоқ” (буклама), “ўроқи” (ўроқ каби, тиғи ички томонида) бўлади; фойдаланилишига кўра “рўзғори”, “ошпичоқ”, “чопқипичоқ”, “саллоҳи” (қассоблар пичоғи), “мардона” (эркаклар белбоғига осиб юрадиган), “шамширак” (қиличдан кичикроқ пичоқ, шамшир), “дукот” (тирноқ оладиган), “қаламтарош” (қамиш қаламларнинг учини чиқарадиган), “ҳарбўзи” (қовун сўядиган), “чол пичоқ” (суяк тозалашга мосланган буклама пичоқ) деб аталади. Пичоқчилар орасида айрим пичоқларни ҳам, барча турдаги пичоқларни ҳам ясай оладиган моҳир усталар кўп.

Пичоқчилик муҳим касб бўлгани учун деярли ҳар бир шаҳарда пичоқчилар фаолият кўрсатган. Баъзи жойларда бу касб санъат даражасига кўтарилиб, мактаблар шаклланган. Фарғона водийсида Қўқон, Чуст, Шаҳрихон, Қорасув мактаблари маълум ва машҳур.

Ўзбек пичоқлари орасида Чуст пичоқлари каби машҳури бўлмаса керак Шундан бўлса керак Чустда пичоқчи усталар жуда кўп. Чустлик пичоқчи усталар сулоласининг еттинчи авлоди Убайдуллаев Раҳимжон, бўлиб бугунги кунда уста Раҳимжон нафақат ўз ўғил ва набираларига балким шу касбга қизиққан ёшларга ҳам ўз ишини ўргатиб келмоқда. Наманганнинг Биби она номли жойда эрамиздан аввалги

саккизинчи асрдан бошлаб пичоқлар ясалган. 15 асрга қадар Чуст пичоқ ясашга ихтисослашган ягона жой бўлган. Шу сабабдан Чуст пичоқлари номи бутун дунёга машҳур бўлган.

Ўз шаҳрининг бренди бўлган Чуст пичоқлари жозибадорлиги, шаклининг соддалиги ҳамда силлиқлиги, пишиқ пуҳталиги билан ҳорижда ҳам маълум машҳур. Улар ўзининг бетакрор кўринишига эга бўлиб, фойдаланишда жуда қулайлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳар бир хонадаонда Чуст пичоқлари учраб туради. Чуст усталари ясаган пичоқларнинг бошқалардан фарқи уларнинг даста ҳамда тиғи узунроқ, тиғининг учи ташқарига, дастанинг учи эса ичкарига томон қайрилган бўлади. Чуст хунармандлари устахоналарида яратилган қора-бинафша рангли оддий пичоқ, тенги йўқ декоратив ва сувенир пичоқлар, қиличлар шунингдек японларнинг катана-қиличи қизил, оқ, яшил ва кўк рангли тошлар билан безатилган. Анъанавий пичоқларда эса “баҳор лоласи” ва “пахта гулли” қадимий нақшлари бор. Қадимий шакллардан бизгача козоқча, қайқи, толбарги, пайвандли, қўшқовуз ва яна бир қанча турлари етиб келган. Ҳозирги кунда шаклланган нусхаси шоҳ соп, ёрма соп, сукма соп, қалайисар, мис сарбаста, садафли, чилмеҳа, суяксоп, садафсоф каби турларидир.

Чуст пичоқчилик мактаби анъаналарини сақлаб қолиш мақсадида вилоят хунармандлари уюшмаси томонидан “Чуст пичоқлари” музейини ташкил этиш концепцияси ва лойиҳаси ишлар чиқилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26-27 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида “Чуст пичоқлари” музейи концепцияси таклиф сифатида намоиш тилди. Бу таклиф Президентимиз томонидан маъқулланди ва келгусидаги ишлар белгилаб олинди. Ҳозирда амалий ишлар бошлаб юборилган. Уни ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири у вилоятимизнинг туризм салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Чунки музей таркибида пичоқ тайёрланиш ишларини бевосита кўриш имконини берувчи пичоқчилик устахонасини ҳам ташкил этиш белгиланган. Бу са ўз навбатида хорижий сайёҳлар учун катта қизиқш уйғота олади.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи кўргазмалар залида чуст пичоқларида кўргазма такшил этилган. Музейга ташриф буюрган томошабинлар уларни тамона қилар экан пичоқчи усталар ишига таҳсинлар айтадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 9-том
2. Мозийдан садо 1/93 2022 й
3. Интернет сайтлари.